

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 11 январь, № 6 (7236) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# АСОСИЙ МАҚСАД – АҲОЛИНИНГ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИНИ ТАЪМИНЛАШ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 январь куни Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 7-ички ишлар бўлимига ташриф буюрди.**



Мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳани такомиллаштириш мақсадида кейинги икки йилда 100 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 февралдаги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизими жорий этилди. Ички ишлар органлари барча бўғинларининг тузилмаси ва ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, пойтахтимизда тажриба тариқасида 73 та ички ишлар бўлими ташкил этилди. Ходимларнинг 65 фоизи аҳолига яқин бўлиши учун қуйи бўғиндаги ички ишлар бўлимларига ўтказилди. Уларнинг бевосита жойларда самарали хизмат ўташи учун муносиб ижтимоий-маиший шароит яратиб берилди.

Жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ишлари кенг жамоатчилик иштирокида ташкил этилаётгани самарасида 2018 йилда умумий жиноятчиликни камайтиришга эришилди. “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз туризм”, “Хавфсиз хонадон” тизимлари жорий этилгани, туну кун патруль хизмати йўлга қўйилгани натижасида одамларда адолат ва қонун устуворлигига ишонч пайдо бўлди.

Тошкент шаҳри мисолида кўплаб тажрибалар синовдан ўтказилди. Хусусан, илк бор жамоат жойларида бемақсад юрган, шубҳа уйғотган одамларнинг шахсини аниқлаш, улар иштирокида рўй бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар ходимлари ахборот-ресурс марказига уланган, барча маълумотларни зудлик билан олиш имкониятига эга планшетлар билан таъминланди.

Юнусобод туманидаги 7-ички ишлар бўлими ҳам замонавий тизим асосида ташкил этилган. Тезкор навбатчилик қисми, профилактика, тергов, жиноят-қидирув бўлинмалари, ички миграция ва фуқароликни расмийлаштириш гуруҳи, психолог фаолияти, ёнғин хавфсизлиги, тез ёрдам, фавқулодда вазиятлар ва бошқа хизматлар бир жойда жамланган. Шунингдек, хотин-қизлар билан яқиндан ишлаш учун аёл инспекторлар фаолияти йўлга қўйилган.

Тезкор навбатчилик қисмида ҳудудни туну кун назорат қилиш имконини берадиган видеокузатув тизими жорий этилган. Бўлим тумандаги 7 та — Увайсий, Юртобод, Шоштепа, Бободеҳқон, Меҳнатобод, Бебор, Оқтепа маҳаллалари аҳолисига хизмат кўрсатади.

Президентимиз пойтахт ички ишлар органларини аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш лойиҳаси билан танишди. Унга кўра, ички ишлар ходимларининг 86 фоизини қуйи бўғинга ўтказиш, туман ҳокимлиги, прокуратураси, солиқ инспекцияси ва бошқа идоралар билан ҳамкорликни кенгайтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу таклифни маъқуллаб, жиноятчиликнинг олди олиниши, буни одамлар сезиши учун, аввало, қуйи тизим мустаҳкам бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Профилактика ишлари таҳлилга асосланиши керак. Ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида жиноятчиликнинг жойи ва тури бўйича чуқур маълумот бўлиши, бунинг учун давлат идоралари, жамоат ташкилотлари мунтазам бирга ишлаши зарур. Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, прокуратура — ҳаммаси халққа хизмат қилиши керак. Шу билан бирга, жамиятда ҳам жаҳолатга қарши маърифат кучли бўлиши лозим. Муҳит шундай бўлиши керакки, ҳеч ким жиноятга қўл ура олмасин, деди Шавкат Мирзиёев.

Профилактика инспекторларини фаолият самарадорлигига қараб рағбатлантириш, профессионаллик даражасини ошириш масаласига эътибор қаратилди. Президентимиз профилактика инспекторлари ва уларнинг ўринбосарларини ўқитиш, малакасини ошириш бўйича Тошкент давлат юридик университетининг махсус филиалини ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда тезкор навбатчилик қисмидаги инновацион технологиялар, ички ишлар ходимларининг ўзаро хабар алмашишини таъминлайдиган “Минор” дастури, ходимлар хизмат ўтаётган жой тўғрисида ахборотни кўрсатиш ва ташвиш хабарини жўнатиш учун мўлжалланган “UzGPS” тизими ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари ички ишлар бўлимидаги янги мутахассислар — психолог, вояга етмаганлар ва хотин-қизлар билан ишлаш бўйича профилактика инспекторлари билан суҳбатлашди.

Халқ билан ишлайдиган ходимлар психологияни чуқур билиши, одамларга кўмак, меҳр бериши керак. Жиноятга қўл урган ёшлар, хотин-қизларнинг, аввало, муаммоларини ўрганиш, маиший муаммолари бўлса, масъул ташкилотлар орқали ёрдам бериш, руҳан қўллаб-қувватлаш зарур. Шундагина уларнинг дунёқараши ўзгаради, натижа бўлади, деди Президент.

Шавкат Мирзиёев мазкур ички ишлар бўлимидаги паспорт хизмати хонасида бўлиб, биометрик паспортларни расмийлаштириш жараёнини кузатди. Жаҳон стандартлари асосида ташкил этилган тергов хонасини кўздан кечирди.

Ички миграция ва фуқароликни расмийлаштириш гуруҳида ҳудуддаги еттита маҳаллада яшовчи фуқароларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатилади. Фуқаролар ҳужжат тўлдириш, паспорт-виза тизими, ички ва ташқи миграция масалаларига оид барча саволларига шу ернинг ўзида жавоб олади, биометрик паспортларни расмийлаштириш электрон навбат орқали амалга оширилади.

Ички ишлар бўлими негизида ташкил этилган фавқулодда хизматларни тезкор бошқаришнинг ягона тизими фаолияти амалда кўрсатиб берилди. Бунга “Қутқариш хизмати — 1050”, “Ёнғин хавфсизлиги — 101”, “Тез тиббий ёрдам — 103”, “Қўриқлаш — 102” техника ва анжомлари намойиш этилди. Бу фавқулодда ҳолатларни тезкор бартараф этишга хизмат қилади.

Президентимиз жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, жумладан, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига замонавий вертолётлар ажратиш бўйича топшириқлар берди.

* * *

**Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Бугунги глобаллашув даврида янгидан-янги таҳдид ва хавф-хатарлар пайдо бўлмоқда, жиноятларни содир этиш усул ва воситалари, хусусиятлари ўзгариб бормоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда кейинги икки йилда бу борада 100 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Хусусан, ички ишлар тузилмалари ислоҳ қилинди. “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз туризм”, “Хавфсиз хонадон” тизимлари жорий этилди ва туну кун патруль хизмати йўлга қўйилди. Буларнинг самарасида ўтган йили жиноятчилик 33 фоиз камайди.

Кўрилаётган чоралар натижасида фуқароларимизда адолат ва қонун устуворлигига ишонч пайдо бўлмоқда. Лекин хотиржамликка берилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, ҳали олдимизда қилинадиган ишлар кўп, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда жиноятчиликни жиловлашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарурлиги таъкидланди.

Масалан, Андижон вилоятининг деярли барча туманларида оғир турдаги жиноятлар сони ошган. Вилоятда аёллар жиноятчилигининг салмоғи юқори бўлиб, мамлакатдаги кўрсаткичнинг 8,5 фоизини ташкил этган. Қорақалпоғистонда жиноятчилик 31 фоиз камайган бўлса-да, қотиллик ҳолатлари кўпайган. Наманган вилоятида ҳам бу борада аҳвол қониқарсиз.

(Давоми 2-бетда).

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, жойларда юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал этишга қодир маҳаллий ижро этувчи ҳокимият тузилмасини такомиллаштиришга қаратилган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини яхшилаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, республика ҳудудларидаги ишларнинг реал ҳолатини ўрганиш натижаси уларни комплекс ва жадал ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган тизимли камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ва институционал ислоҳотларни амалга оширишни назарда тутувчи давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг янги моделини ишлаб чиқиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 1 мартдан бошлаб Жиззах вилоятида қуйидагиларни назарда тутувчи **“Илғор ҳудуд” синов лойиҳасини** (кейинги ўринларда — синов лойиҳа) амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш соҳасини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

(Давоми 2-бетда).

## Эътироф

*АҚШнинг дунёга машҳур “The New York Times” газетасида маълум қилинишича, Ўзбекистон 2019 йилда сайёҳлар ташриф буюриши керак бўлган давлатлар рўйхатига киритилган.*

# «The New York Times» сайёҳларга Ўзбекистонни тавсия қилмоқда



Ундан ўрин олган ҳар бир мамлакат хусусида алоҳида изоҳ ҳам эълон қилинган. Жумладан, юртимизда барча соҳа қатори туризм жабҳасида улкан ўзгаришлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

“Агар сиз қачондир Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат қилишни истаган бўлсангиз, ҳозир бунинг айни вақти.

Ушбу тарихий йўлда бир неча жозибадор ҳудудларга эга бўлган Ўзбекистон янгиланишлар даврини бошдан кечирмоқда. Валюта айирбошлаш бўйича энг яхши расмий курслар ва авиачипталарни брон қилиш ҳамда онлайн визага ариза бериш имкониятларини кенг кўламли ислоҳотлар қаторида кўрсатиб ўтиш мумкин”, дейилади нашрда.

Газетада сайёҳларга яратилаётган шароит ва имтиёзлар ҳақида алоҳида сўз юритилади. Чунончи, нашрда америкаликлар ва бошқа юзга яқин давлатлар фуқароларига беш кунлик, Франция фуқароларига эса бир ойгача муддатда визасиз юришга рухсат берилгани эътироф этилган.

Ўзбекистон ва Қозоғистон туристлар учун ягона Марказий Осиё визасини яратиш устида иш олиб боряпти. Ер ва ҳаво орқали ташувлар минтақа даражасида ривожланди, хусусан, бу Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси шарофати билан яхшиланди. Шарқий Осиё ва Европага қадар мамлакатларни бирлаштирадиган мазкур лойиҳага 800 миллиард АҚШ доллари ажратилган. Қолаверса, қўшни давлатлар билан чегаралар очилди, Марказий Осиё давлатлари пойтахтлари, жумладан, Тошкент ва Душанбе ўртасида парвозлар тикланди, Нью-Йорк ҳамда Тошкент ўртасидаги рейслар сони оширилди. Бундан ташқари, Тошкентда янги “Hyatt Regency” меҳмонхонаси бунёд этилди. Яқин йиллар ичида яна бошқа бир қатор халқаро меҳмонхоналар, хусусан, биринчи тоғ-чанғи курорти, Бухорода янги туристик зона яратилади.

Айнан юқорида санаб ўтилган жиҳатлар орқали “The New York Times”да Ўзбекистонга саёҳат қилиш муҳимлигига урғу берилган.

**С. МАХСУМОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

## ДУНЁ НИГОҲИ

Мисрлик экспертлар:

# «ЎЗБЕКИСТОНДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ЯНГИЛАНИШЛАР ДУНЁ СИЁСИЙ МАНЗАРАСИГА ҲАМ ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА»



*Мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар жараёнига хорижлик эксперт-таҳлил доиралари катта қизиқиш билдирмоқда. Хусусан, ташқи сиёсатдаги прагматик ёндашув, яъни Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан дўстона ва мустаҳкам муносабат ўрнатиши, тараққий этган давлатлар билан яқин ҳамкорлик қилиши, халқаро майдонда муҳим ташаббусларни илгари суриши бу жараёнда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.*

*Газетамизнинг 3-саҳифасида мисрлик экспертларнинг Ўзбекистон ҳақидаги фикрлари билан танишасиз.*

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – бизнинг ифтихоримиз ва ғуруримиз

*Шу кунларда мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги кенг нишонланмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 13 декабрдаги фармойишига асосан, “Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” деган умумий ғоя остида жойларда турли тадбирлар, учрашувлар, фестиваллар ўтказиляпти. Унда юртдошларимиз фаол иштирок этаётир.*

*Сана муносабати билан мухбирларимиз соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-майор Абдусалом АЗИЗОВ билан суҳбатлашди.*

3



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ҳудудни жадал ривожлантириш учун илғор қарорларни аниқлаш, шунингдек, республика ва ҳудудий ижро ҳокимияти органларининг жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш;

ҳудуднинг стратегик мақсадлари, шунингдек, ҳудудий давлат бошқаруви органлари учун мақсадли кўрсаткичларни шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

ҳудуд аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш ва даромадларини ошириш;

таркибий ислоҳотлар ёрдамида инвестициявий муҳитни яхшилаш;

“Бир қишлоқ — битта маҳсулот” тамойили бўйича талаб юқори бўлган товарларни ишлаб чиқариш учун шарт-шароитларни жадаллик билан яратиш;

иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва саноатнинг янги тармоқларини ривожлантириш, Жиззах вилоятида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитларни яратиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик синов лойиҳани тизимли ва самарали тайёрлаш ҳамда амалга ошириш учун масъул орган ҳисобланади;

Агентликнинг синов лойиҳани амалга ошириш доирасида қабул қилган қарори, бошқарув хусусиятидаги топшириқлардан ташқари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, хўжалик субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, идоралар ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг Агентлик билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлайди ҳамда синов лойиҳани амалга ошириш бўйича Агентликка юкланган вазифаларни бажаришда ҳар томонлама кўмаклашади;

Агентликка Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари ва бошқа хорижий ташкилотлар билан ўзаро тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилиш ваколати берилади.

3. Агентлик 2019 йил 1 мартга қадар:

а) Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “ЎзИнжиниринг” Республика лойиҳа институти, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий маслаҳатчилар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда Жиззах вилояти ҳудудини режалаштириш схемаси эскизини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритишни таъминласин;

б) Қурилиш вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Жиззах вилояти туманлари ва аҳоли пунктларининг бош режаларини режалаштириш схемалари, шунингдек, тегишли архитектура-режалаштириш тадбирлари мувофиқлигини назорат қилиш мақсадида ихтисослаштирилган Архитектура-режалаштириш эксперт кенгашини ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

в) Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қуйидагиларни назарда тутувчи Жиззах вилоятини ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш соҳасини таҳлил қилиш ва баҳолаш, чора-тадбирларни амалга ошириш ва маъмурий тўсиқларни бартараф этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмини жорий этиш;

таркибий ислоҳотлар, шу жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, туризм ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасидаги таркибий ислоҳотлар бўйича таклифлар бериш;

инновацион лойиҳалар, шу жумладан, рақамли иқтисодиёт, ахборот-коммуникация технологиялари, истеъдодли болалар ва ёшлар имкониятларини, транзит йўлларидаги инфратузилмани ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифлар бериш;

урбанизация ва комплекс уй-жой қурилиши жараёнларини тартибга солиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

туризм тармоғини, шу жумладан, Зомин туманида туризм кластерларини ташкил этиш орқали ривожлантириш имкониятини яратиш;

сув, газ ва электр таъминоти, канализация тармоқлари, йўл инфратузилмаси, интернет тармоқлари, ирригация ва мелиорация тизимлари соҳасида талаб қилинадиган ишларнинг устуворлиги бўйича инфратузилма ҳолатини баҳолаш ва янада ривожлантириш.

4. Агентлик икки ҳафта муддатда “Илғор ҳудуд” синов лойиҳасини амалга ошириш бўйича эксперт-таҳлил кенгашини шакллантирсин, шунингдек, унинг низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Агентлик Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда синов лойиҳани амалга ошириш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Д. Р. Ли ва Жиззах вилояти ҳокими Э. А. Салиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 3 январь

# АСОСИЙ МАҚСАД – АҲОЛИНИНГ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИНИ ТАЪМИНЛАШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ички ишлар вазирлигига юқоридаги масалалар бўйича вазиятни тубдан яхшилаш, чуқур таҳлил асосида мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Хабарингиз бор, ўтган йили “ишлаганни — рағбатлантириш, ишламаганни — жазолаш тизими”ни жорий этган эдик. Бугун уни сарҳисоб қиладиган вақт келди, деди Президент.

Жиноятчиликни жиловлашда энг юқори натижага эришган 10 та ҳудуд — Ширин ва Гулистон шаҳарлари, Шаҳрисабз, Янгийўл, Кегейли, Қонликўл, Ховос, Сардоба, Миробод, Ўрта Чирчиқ туманлари ички ишлар бўлимлари бошлиқларини моддий рағбатлантириш, аксинча, бу борада кўрсаткичлари энг салбий бўлган 10 та ҳудуд — Нурота, Нишон, Элликқалъа, Пахтаобод, Дўстлик, Пахтакор, Избоскан, Бўстонлиқ, Бувайда, Қуйи Чирчиқ туманлари ички ишлар бўлимлари бошлиқларига жарима шаклидаги интизомий жазо қўллаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Энди ҳокимлар ҳам ҳар куни ўз ҳудудидаги жиноятлар билан боғлиқ вазиятни шахсан муҳокама қилиб бориши, шунингдек, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашлари жиноятлар билан боғлиқ вазиятни таҳлил қилиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшиши кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда “Маҳалла посбони” тузилмаси раҳбари лавозими ўрнига профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси лавозими жорий этилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича уларнинг шахсий жавобгарлиги белгилаб қўйилди. Келгусида жамоат хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшган ёрдамчиларга ички ишлар органларининг олий таълим муассасаларига квота асосида ўқишга кириш ҳуқуқи берилиши маълум қилинди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш бўйича “ҳудудлар тажрибаси”ни жорий этиш зарурлиги таъкидланди. Масалан, Тошкент шаҳрида босқинчилик, Фарғонада фирибгарлик, Тошкент вилоятида ўғрилик жинояти кўп содир этилаётганини ҳисобга олиб, уларни профилактика қилиш бўйича ҳудудий усуллар шакллантириш талаб этилади.

Бош прокуратура академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Миллий гвардия ҳарбий-техника институтига ўзаро ҳамкорликда криминоген вазият оғир бўлган ҳудудларда илмий тадқиқот ишлари ўтказиб, жиноятчилик аҳволи ўзгаришини криминологик прогнозлаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар органларида ишлайдиган психолог-педагоглар мактабини яратиш, олий ўқув юртларида психолог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласи муҳокама қилинар экан, кейинги вақтда ис газидан заҳарланиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани кескин танқид қилинди.

Бунинг асосий сабаби иситиш жиҳозларининг созлигини техник кўрикдан ўтказиш ва таъмирлаш етарли даражада назорат қилинмаяпти. Бу билан нодавлат ташкилот ҳисобланган Ўзбекистон ёнғинга қарши курашиш жамияти шуғулланяпти.

Бош прокуратура ва Адлия вазирлигига ушбу жамият фаолиятини ялпи текширишдан ўтказиш ва соҳани такомиллаштириш бўйича таклиф киритиш вазифаси қўйилди. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қурилиш вазирлигига иситиш жиҳозлари, мўри ва бошқа ускуналарнинг техник ҳолатига масъул давлат идорасини белгилаш, газ ва кўмир асосида иситишга мўлжалланган бино-иншоотларни ис газини ўлчаш ускуналари билан жиҳозлаш бўйича техник регламент ишлаб чиқиш юклатилди.

Йиғилишда аҳолининг мулк дахлсизлигини таъминлаш борасидаги вазифалар ҳам кўриб чиқилди. Эндиликда жамоат хавфсизлиги ва шахсий мулк дахлсизлигини таъминлашга Ички ишлар вазирлиги билан Миллий гвардия баб-баравар жавоб бериши таъкидланди.

Жазони ижро этиш муассасаларида меҳнатга лаёқатли шахсларни иш билан таъминлаш, давлат-хусусий шериклик тамойили асосида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича ҳам топшириқлар берилди. Бундай шахсларни касбга ўргатиш эртага улар томонидан такрорий жиноятлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Видеоселектор йиғилишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларини ўқитиш, уларнинг касб маҳорати ва маданиятини мунтазам ошириб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизими энг янги ёндашувларга асосланиши, улар шиддат билан ўзгараётган замон ва шарт-шароитларга мос бўлиши зарур. Ёш кадрларда танқидий таҳлил, интизом, ҳалоллик, ватанпарварлик, ташаббускорлик, шахсий жавобгарликни шакллантириш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга раҳбар тайинлашда бутунлай янгича механизм жорий этиш бўйича топшириқ берилди. Унга мувофиқ, номзодлар маълум муддат давомида мақсадли индикаторларга эришиш шарти билан лавозимга тайинланиши, шартлар бажарилмаган тақдирда шартнома муддати узайтирилмаслиги лозимлиги белгиланди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларда ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил бўлади. Лекин ҳуқуқий тарғибот кўпинча эскича усуллар, мажлисбозлик ва юзаки маърузалардан иборат бўлиб қолаётгани сабабли тўла самара бермаётир. Шу боис куни кеча Президент Фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш вазифаси топширилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда кадрлар масаласи ҳам кўрилди. Ўз хизмат вазифасини бажаришда камчиликларга йўл қўйган кўплаб раҳбарлар қатъий огоҳлантирилди, айримлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Видеоселектор йиғилишида жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул давлат органлари раҳбарларининг ҳисобот ва таклифлари тингланди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Пойтахт каналлари бўйидаги ноқонуний қурилмалар:

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН...

*Президентимизнинг 2018 йил 17 августдаги “Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги Фармонида пойтахтимиз туманлари ҳудудидан оқиб ўтган каналларнинг қирғоқ зонасида жойлашган ноқонуний иншоотларни бартараф этиш ва унинг атрофини ободонлаштириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш белгиланган.*

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан ўтган йилнинг 26-27 декабрь кунлари мониторинг олиб борилди.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Шайхонтоҳур, Учтепа, Яшнобод, Мирзо Улуғбек, Сергели ва Бектемир туманлари ҳудудидаги каналларнинг қирғоқ зонасида жойлашган ноқонуний иншоотларни бартараф этиш ва уларнинг атрофини ободонлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилган. Бироқ айрим каналлар бўйида илгари ноқонуний равишда қурилган иншоотлар ҳалигача бузилмагани кузатилди.

Тошкент шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи 128 та канал ва суғориш тармоқларининг қирғоқбўйида жойлашган 1300 дан ортиқ объект ва қурилмалар “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонун талаблари бузилган ҳолда жойлаштирилган. Мисол учун, “Бўзсув” канали қирғоқ ҳудуди айрим жойларда ўзбошимчалик билан ўраб олинган, 180 дан зиёд объект ва иншоотлар қурилган бўлиб, антисанитария шароитлари кузатилган ва буларнинг барчаси сув объектларини чўкиндилардан тозалаш учун мўлжалланган техникаларнинг кириши ва ишлашига ҳамда қулай сув режими таъминланишига тўсқинлик қиляпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ушбу масалалар юзасидан ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, ўтган йилнинг июль ойидан шу кунга қадар шаҳар каналларининг қирғоқбўйи ҳудудларида жами 1320 та ноқонуний қурилманинг бузилиши таъминланган.

Эшитувда шаҳар аҳолисининг канал сув ҳавзаларига бефарқлиги ҳамда экологик маданияти сустлиги сабабли каналларнинг санитар аҳволи йилдан-йилга ёмонлашиб бораётгани, уларни тозалашга ушбу жойларда турар ва нотурар объектларнинг мавжудлиги тўсқинлик қилаётгани таъкидланди. Айни чоғда каналларга туташ ҳудудларда сайилгоҳлар ташкил этиш бўйича жорий йилда режалаштирилаётган ишларга тўхталиб ўтилди. Хусусан, бу йил каналларнинг қирғоқларига 30 километрдан ортиқ узунликдаги муҳофаза панжаралари ўрнатилади, 200 километрдан зиёд каналлар тозаланади. Шунингдек, Юнусобод туманидаги “Қорақамиш” коллектори ҳамда Ботаника боғига туташ ҳудуддан ўтган “Салар” канали ёқасида сайилгоҳ ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

Эшитув якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

# ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР КЎРСАТКИЧЛАРИ НЕГА ОШМОҚДА?

*Ўсма касалликлари нафақат республикамизда, балки бутун дунё миқёсида мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида онкологик касалликларга чалиниш кўрсаткичлари ошиб бораётир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари шуни кўрсатадики, 2030 йилда бутун дунёда ўсма касалликлар билан 15 млн. киши касалланиши мумкин. Юртимизда йилига 22 мингдан ортиқ беморларда онкологик хасталик аниқланаётгани, ўз навбатида, мазкур касалликка қарши курашиш тизимининг такомиллаштирилиши, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, уни молиялаштириш манбаларининг аниқ белгиланишини тақозо этмоқда.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмиталари ҳамкорлигида “Ўзбекистонда онкологик касалликлар билан касалланиш ҳолати: мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими” мавзуида ўтказилган семинарда ўсма касалликларни эрта аниқлаш, олдини олиш ва самарали даволаш нақадар муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда бугун дунёда фан ва амалиётнинг тараққиёти, соғлиқни сақлаш ва инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимининг ривожланиши натижасида онкология соҳасида, биринчи навбатда, бирламчи бўғинларда профилактика ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш сифати даражасини ошириш билан боғлиқ бир қатор ўз ечимини кутаётган масалалар мавжудлиги, юқори технологик операцияларнинг ўтказилишига талаб ва эҳтиёж юқори эканлиги қайд этилди.

Иштирокчиларнинг фикрича, юртимизда рўйхатга олинган хавфли ўсма касалликлар орасида сут бези, ўпка, қон ва лимфоид тўқималар хавфли ўсмалари ва бачадон бўйни раки билан касалланиш кўрсаткичлари ошиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар босқичма-босқич давом этаётган бўлса-да, ўсма касалликлар билан касалланишни камайтириш мақсадида давлат миқёсидаги кенг қамровли дастурларнинг амалга оширилиши, кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратилиши, айниқса, узоқ қишлоқ жойларда ишлаётган умумий амалиёт врачларининг онкологик сезгирлигининг оширилиши ва тиббий кўрик сифатининг яхшиланишига ҳамон зарурат катта бўлиб қолмоқда.

Шу боис семинарда онкологик беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, ўсма касалликларнинг олдини олиш, мазкур йўналишга оид муаммоларнинг ҳал этилишига қаратилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар билдирилди.

Якунда тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Маҳаллий Кенгашларда

# ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ҚУРШОВИДА ҚОЛГАН ШАҲАР

*Ҳаво ҳарорати пасайган шу кунларда Ангрен шаҳри иссиқлик тармоқларининг ички тақсимловчи қувурлари эскиргани сабабли аҳоли хонадонлари ва ташкилотларнинг иссиқлик таъминоти етарли даражада бўлмаяпти. Шаҳардаги 980 та кўп қаватли уйдан 634 таси марказлашган иссиқлик таъминотига уланган. Аммо етказиб берилаётган иссиқ сувнинг ҳарорати белгиланган меъёрдан жуда паст бўлгани боис аҳоли, айниқса, болалар ўртасида турли касалликлар кўпайган. Қолган 346 та кўп қаватли уй умуман тармоққа уланмаган. Натижада одамлар хонадонларни ўз имконидан келиб чиқиб иситишга мажбур бўляпти.*

Муаммонинг сабаблари ва уни ҳал этиш йўллари таҳлили халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгаши сессиясида муҳокама қилинди. Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан ҳудудда ўтказилган ўрганиш натижалари ўртага ташланди.

Муаммога сабаб нима? Аввало, шаҳар коммунал хўжалигида ҳанузгача қўлланиб келинаётган эскича ёндашувлар, соҳада йиллар мобайнида тўпланиб қолган масалалар қиш кунларида кўзга яққол ташланяпти.

Вазиятни ўзгартириш учун иссиқлик таъминотининг марказлашган тизимидан босқичма-босқич воз кечиб, замонавий локал технологияларга ўтиш лозим. Бунинг учун эса катта маблағ талаб этилади. Сессияда бу масалани жорий йилги ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва инвестиция дастурларига киритиш зарурлиги таклиф қилинди.

Яна бир оғриқли масала — шаҳардаги экологик ҳолат, айниқса, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши билан боғлиқ. “Ангрен ИЭС” АЖ минораларидан чиқаётган тутунсифат кул-қурум чиқиндилари шаҳар устига ёғилиб, аҳоли саломатлигига зарар етказяпти. Натижада одамлар орасида бир қатор касалликларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, иншоот яқинида жойлашган Гурум маҳалласи аҳли юзага келган ҳолатдан жуда кўп азият чекмоқда.

Иссиқлик станциясидаги мавжуд электр фильтрлар қайта-қайта жорий таъмирланиши ва ҳозирги кунда яроқсиз ҳолга келгани муаммога сабаб бўляпти. Йиғилишда иншоот раҳбарияти корхонада атроф-муҳитга етказилаётган зарарни бартараф этиш чораларини зудлик билан кўриши, шу жумладан, тегишли модернизациялаш ишларини олиб бориши зарурлиги айтиб ўтилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – бизнинг ифтихоримиз ва ғуруримиз



1 ➡

*— Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Унинг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича жойларда қатор анжуманлар ўтказилмоқда. Келинг, суҳбатимизни дастлаб шундан бошласак. Айтингчи, Мудофаа доктринасини янгилашга қандай зарурат туғилган эди?*

— 2018 йилнинг 9 январида Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида"ги Қонунни имзолади.

Маълумки, 1995 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ учинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси қабул қилинганди. 2003 йил 3 февралда эса мамлакатимиз Мудофаа доктринаси муҳокама қилинди ва маъқулланди. Демак, шу пайтгача мудофаа соҳасидаги давлат сиёсати асослари, Қуролли Кучларнинг қурилиши, тайёргарлиги ва қўллашга оид асосий принциплар ҳамда йўналишларини тартибга солувчи 2 та доктринал ҳужжат қабул қилинганди.

Мудофаа доктринасини янгилашга қандай зарурат туғилганди, деган саволингизга келадиган бўлсак, аввало, бунга Президентимизнинг 2017 йилда Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидан жавоб топиш мумкин. Жумладан, табрикда шундай дейилади: "Жаҳонда ва минтақада вазиятнинг ривожланиш динамикасини ҳисобга оладиган бўлсак, вужудга келадиган хавф-хатар ва таҳдидларга муносиб зарба бериш зарурати, шунингдек, бизнинг устувор вазифа ва имкониятларимиз Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасини қайта ишлаб чиқишни талаб этади".

Жаҳон ва минтақадаги вазият, юзага келаётган хатар ва таҳдидларга мос ҳолда доктринани қайта ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Хўш, бу янгидан қабул қилинган Мудофаа доктринасида қандай акс этди?

Доктринанинг 6-бандида "Глобаллашув давом этаётган ва халқаро муносабатларнинг тизими ўзгариб бораётган шароитларда жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазият халқаро ва минтақавий хавфсизликка хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кўлами кенгайиб бораётганлиги — геосиёсий қарама-қаршиликнинг кучайиши, можаролар ва танг вазиятларни куч ишлатиб ҳал этишга бўлган ёндашувнинг устунлик қилиши, куч ишлатиш, шу жумладан, оммавий қирғин қуролини қўллаш эҳтимоли ошганлиги, ҳарбийлаштириш, халқаро терроризм ва экстремизм фаоллашганлиги, ахборот макони ва кибермаконда ўзаро кураш кучайганлиги билан тавсифланади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, минтақамиздаги вазиятга халқаро терроризм, наркотрафик ва трансчегаравий жиноятлар соя солиб турибди.

Хусусан, қўшни Афғонистонда, шунингдек, Яқин Шарқ мамлакатларида халқаро террорчи гуруҳларнинг фаолияти, ноқонуний қуролли тузилмалар минтақа хавфсизлигига алоҳида таъсир кўрсатмоқда. Мазкур омил ҳарбий соҳада мамлакат хавфсизлигини таъминлашга доир принциплар ва ёндашувларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Шундай экан, мамлакат миллий манфаатлари, жаҳон ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият, ҳарбий соҳада хавфсизликка таҳдидлар даражаси, замонавий ҳарбий можароларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, Мудофаа доктринамиз қайтадан қабул қилинди.

Қолаверса, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, ташқи сиёсатимизнинг мослашувчанлик ва очиқлиги, энг асосийси, қўшни давлатлар билан дўстона ва амалий муносабатларнинг ривожланаётгани каби муҳим омилларга, Ватанимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашдек устувор вазифаларга таянган ҳолда, мамлакатимиз Мудофаа доктринаси сифат жиҳатидан янгиланди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, доктринамиз биринчи марта тўлиқ очиқ эълон қилинди. Бу эса мудофаа сиёсатимиз очиқлигининг тасдиғидир.

*— Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида кейинги икки йилда жуда катта ислоҳотлар амалга оширилди. Масалан, ҳар бир ҳудудда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бу амалда нима беради?*

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан "Миллий армиямиз — бизнинг ифтихоримиз ва ғуруримиз" тамойили асосида ҳудудларда мудофаа соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, армия ва халқнинг бирлигини таъминлаш мақсадида ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Мазкур секторлар армия билан маҳаллий ҳокимият ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамловчи, ҳудудий мудофаа масалаларини ечишда ҳал қилувчи орган бўлиб хизмат қилмоқда.

Мудофаа соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг улкан самара беришида, жумладан, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қўшинлар кундалик фаолиятини самарали ташкиллаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда ҳарбий шаҳарча ва полигонларнинг инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳарбий-маъмурий секторлар қўшилма ва ҳарбий қисм командирларига яқиндан кўмаклашмоқда.

Бугун ҳарбий-маъмурий секторларнинг ташкил этилиши маҳаллий ҳокимият идораларининг масъулиятини оширди, уларнинг мудофаа масалаларига дунёқарашини кескин ўзгартирди. Ўз навбатида, ҳарбий қисмларни ўз қобиғидан чиқариб, офицер ва сержант, аскарларнинг жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этишларига имконият яратди. Расмиятчилик йўқолиб, муаммоларнинг амалий ечимлари топилмоқда.

*— Қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш жараёнлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.*

— Ортда қолган 2018 йилда давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш, қўшинларнинг жанговар шайлигини юксалтириш, миллий армиямизни замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар йўлга қўйилди.

2018 — 2021 йилларда қўшинларни замонавий қурол-яроғ билан таъминлаш ва ҳарбий техникаларни таъмирлаш, модернизация қилиш бўйича комплекс дастур доирасида ўтган йилда бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Армияни илғор техника, қурол-аслаҳа билан таъминлаш, мавжуд техникани модернизация қилишда катта қадам ташланди. Ҳозирги замон ҳарбий можароларининг чуқур таҳлилидан келиб чиқиб, биринчи навбатда, ҳарбий ҳаво кучларини ривожлантириш, ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини мустаҳкамлаш, махсус операциялар кучларини энг янги техника ва аслаҳа билан таъминлаш чоралари кўрилди. Россия Федерацияси, Хитой, Франция ва бошқа бир қатор давлатлар билан ҳарбий-техникавий ҳамкорлик юқори даражада йўлга қўйилди.

*— Янгиланишлар ҳақида гап кетаркан, айтиш жоиз, бундай жараён ҳарбий бўлинмаларни озиқ-овқат билан таъминлашда ҳам кузатилмоқда. Яъни аутсорсинг тизими жорий этилди. Ушбу тизимнинг афзаллиги нимада?*

— Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳарбий хизматчиларнинг овқатланиш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, шахсий таркиб овқатланишини ташкил этишда давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий қилинди.

Қўшинларни озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича киритилган янги тизим шахсий таркибни унга хос бўлмаган вазифалардан озод қилиб, ҳарбий хизматчиларнинг бутун куч-ғайратини ўз касбий маҳоратини оширишга қаратиш имконини бермоқда. Қолаверса, мазкур тизим ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш, ҳарбий шаҳарчаларда истиқомат қилувчи оилаларга турли замонавий хизматлар кўрсатиш учун имконият яратди.

Таъкидлаш жоизки, Мудофаа вазирлигидаги аутсорсинг тизимига 80 га яқин тадбиркорлик субъектлари жалб этилиб, 2 200 дан ортиқ фуқароларга доимий янги иш ўринлари яратилди.

*— Энг муҳим ислоҳотлардан яна бири — мамлакатимизда Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ташкил этилди. Мазкур қўмита олдига қандай вазифалар қўйилган?*

— Президентимизнинг 2017 йил 20 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати Давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонига кўра, мамлакатимиздаги барча турдош корхоналарни бирлаштирган Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ташкил қилиниши миллий мудофаа саноат комплексини шакллантириш йўлидаги биринчи ва муҳим қадам бўлди. Мазкур комплексни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари янгидан қабул қилинган Мудофаа доктринасида ҳам белгилаб берилди.

Мудофаа тизимини ҳарбий-иқтисодий таъминлашдаги бу муҳим янгилик давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, яқин келажакда миллий армиямизни қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш шунингдек, қўшимча иш ўринларини яратиш, юртимиз иқтисодиётини диверсификация қилиш имконини ҳам беради.

Бир вақтнинг ўзида ушбу комплекс аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни ҳам ишлаб чиқиши, ҳозир хориждан валютага сотиб олинаётган кўплаб маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришга ҳам мўлжалланган.

*— Ҳар бир соҳада ижтимоий ҳимоя алоҳида аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Шундай экан, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?*

— Узоқ ҳарбий қисмларда хизмат қилиш, гарнизонма-гарнизон кўчиб юриш, хизматнинг машаққатларига чидаш нафақат ҳарбий хизматчидан, балки унинг оиласидан ҳам катта сабр-бардошни талаб этади. Бунинг учун ҳарбий хизматчининг оиласи мустаҳкам, эртанги кунга ишончи юксак бўлиши лозим. Шунинг учун ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масаласига давлатимиз раҳбарияти томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2017 йилда 56 та уй ипотека кредити асосида, 20 таси хизмат уйлари сифатида ҳарбий хизматчиларга топширилди.

2018 йилда эса 74 та уй ипотека кредити асосида, 21 таси хизмат уйлари сифатида қуриб битказилган. Қисқача айтганда, икки йилда 4,5 минг нафар ҳарбий хизматчи оилаларининг яшаш шароитлари яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун республика олий таълим юртларига 5 фоизлик давлат гранти асосида қабул квотаси ажратилди. Бугун ҳарбийларнинг 700 нафардан зиёд фарзандлари олий таълим муассасаларида шу имтиёздан фойдаланиб ўқимоқда. Яратилаётган бундай қўшимча имконият юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Шунингдек, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан "Мард ўғлонлар номи барҳаёт" номли китоб чоп этилди. Сариосиё жангларида ҳалок бўлган 26 қаҳрамоннинг ўзлари ўқиган мактабларига бюстлари ўрнатилди, 21 оилага ҳарбий-маъмурий секторлар, ҳарбий округлар томонидан квартиралар сотиб олиб берилди.

Буларнинг барчаси, албатта, Ватан ҳимоячиларининг хизматга бўлган ёндашувини ўзгартиришга, масъулият ва интизомнинг мустаҳкамланишига, ҳарбийлар қалбида фахр ва ғурур ортишига хизмат қилмоқда. Иккинчи томондан эса кучли ижтимоий ҳимоя — офицер ва аскарлар учун фидойилик, бурчга садоқат билан хизмат қилиш, ўзининг профессионал тайёргарлигини ошириб бориш учун замин яратмоқда.

*— Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони кўрсатмасига биноан, 2018 йил 26 ноябрь эрта тонгда Мудофаа вазирлиги қўшинлари «Тревога!» сигнали билан юқори жанговар шайлик ҳолатига келтирилди. Биламизки, шу вақтгача Ўзбекистон армиясида бу каби текширув ўтказилмаган. Нима учун бундай текширув қилинди? Мудофаа вазири сифатида текширув якунлари бўйича фикрларингизни ҳам билишни истардик.*

— Давлатимиз раҳбари 2018 йилнинг 10 январида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, миллий армиямиз жанговар шайлигини ошириш бўйича амалга оширилган ишларни таҳлил қилар экан, муҳим вазифаларни белгилаб берган эди.



Юқори малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бир қаторда қўшинлар исталган дақиқада ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қодир бўлишига, жанговар тайёргарликнинг янги тизимини ишлаб чиқишга эътибор қаратган эди.

Ўтган қисқа муддат Мудофаа вазирлиги қўшинлари ва бошқарув органлари учун мазкур вазифаларни бажаришнинг синов даври бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев кўрсатмасига биноан, 2018 йил 26 ноябрда қўйилган вазифалар ижросини баҳолаш, жанговар тайёргарликни текшириш мақсадида «Тревога!» сигнали билан юқори жанговар шайликка келтирилди.

Мудофаа вазирлиги аппаратида, ҳарбий округларда, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари ҳамда Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинларида беш кун мобайнида кўққисдан текширувлар ўтказилиб, жанговар шайликнинг даражаси, командирлар ва шахсий таркибнинг ҳаракатлари баҳоланди.

Мамлакатимизда биринчи марта ўтказилган ушбу тадбир жараёнида Мудофаа вазирлиги марказий аппаратининг бошқаруви, қўшинларни юқори даражадаги жанговар шай ҳолатга келтириш, бўлинмаларнинг марш уюштириши, эҳтимолий душман таҳдидини қайтариш ҳаракатлари махсус тузилган идоралараро ишчи комиссия томонидан назорат ва таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиғи раҳбарлик қилган машғулотлар 8 та дала ўқув майдонида ўтказилди.

Мудофаа вазирлигининг тўсатдан текшируви жараёнида мамлакатимизда биринчи марта вазирлар, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари, тегишли давлат ва хўжалик идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Текширувнинг натижаларига кўра, қўшинларни жанговар ҳолатга келтириш, режада кўзда тутилган ўқув-жанговар вазифаларни бажариш бўйича амалий ҳаракатлар ижобий баҳоланиб, Мудофаа вазирлиги мамлакат хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш бўйича "Жанговар вазифаларни бажаришга шай", деган хулосага келинди. Бу эса Қуролли Кучларнинг жанговар қобилиятини ошириш, мудофаа тизимини ҳар томонлама такомиллаштиришнинг янги даври бошланганини кўрсатди.

*— Қарши шаҳрида "Ватанпарварлар боғи" бунёд этиляпти. Президентимиз ўтган йил декабрь ойида Қашқадарёга ташрифи чоғида ана шу боғда амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан танишди. Ушбу маскан ва унинг моҳияти ҳақида гапириб берсангиз.*

— Аввалambор, шуни таъкидлаш лозимки, ушбу боғ давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йили январда Хонобод авиабазасига амалга оширган ташрифи чоғида берган топшириқлари асосида Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

2018 йилнинг 14 декабрида Президентимиз Қашқадарё вилоятига навбатдаги ташрифи давомида Қарши шаҳрида қад ростлаган "Ватанпарварлар боғи"ни бориб кўрди.

Мудофаа вазирлиги томонидан ушбу масканга 24 та ҳарбий техника, қатор экспонатлар тақдим этилди. Махсус тайёрланган блиндажни кўрган киши кўз ўнгига Иккинчи жаҳон уруши майдонларида мардонавор жанг қилган ватандошларимиз келади.

Боғда ўрнатилган Ўзбекистон харитасининг улкан макетида ҳар бир вилоятдан чиққан буюк сиймолар, у ердаги қадимий обидалар, сервиқор тоғлар, дарёлар, бепоён кенгликлар акс эттирилган.

Айни пайтда қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган мазкур мажмуани барпо этишдан мақсад ёшларда тарихимиз ва маданиятимиздан ғурурланиш туйғусини кучайтириш, Ватан равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз номини абадийлаштириш, армиямиз қудрати ва салоҳиятига ишончни мустаҳкамлашдан иборатдир. "Ватанпарварлар боғи" республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бунёд этилиши режалаштирилган.

Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш ҳар бир йигит-қизнинг шарафли бурчи эканлиги, бугунги озод ва мустақил Ўзбекистонни асраш, ушбу тинч ва ёруғ кунларимиз учун аждодларимиз қанча қон тўкканини ёшларимизга эслатиш, маънан ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда бу каби боғларнинг ўрни катта бўлади, деб ўйлайман.

*— Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.*

— Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш, бу борадаги таълим-тарбиявий ишларга мамлакатимиз фуқароларини, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада фаол жалб этиш ва ёшлар онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини сингдириш мақсадида 2018 йил 23 февралда Вазирлар Маҳкамасининг "Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга биноан қабул қилинган концепцияга кўра, ёшлар билан ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси уч босқичда олиб борилади.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига дахлдор вазирлик ва идораларнинг ушбу қарор ижросини самарали ташкил этиш тўғрисидаги қўшма қарори ишлаб чиқилди, "Йўл харитаси" тасдиқланди. Шунингдек, Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлик меморандуми ҳамда қўшма қарори имзоланди.

Мақсад — ёш авлодда Ватанимиз билан фахрланиш, ҳеч кимдан кам эмаслик ҳиссини шакллантириш, уларни турли ёт ғояларга эргашмасдан обод ва озод юртимизни, халқимиз тинч ҳаётини асраш учун масъулиятни сезадиган қилиб тарбиялашдир. Бу борада барча идора ва ташкилотлар, ўқув юртлари, маҳаллалар билан чинакам кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўймоғимиз, биргаликда ишлашимиз зарур.



*Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати суратларидан фойдаланилди.*

*— Яқинда Давлат дастури лойиҳаси халқ муҳокамасига қўйилди. Унда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган. Газетхонларимизга шу хусусда ҳам маълумот берсангиз.*

— "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастури лойиҳаси бугун кенг жамоатчилик муҳокамасида. Шу ҳақда сўз юритганда, аввало, лойиҳадаги мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларга тўхталиб ўтсак. Бунда Қуролли Кучларни қўллашни режалаштиришнинг норматив-ҳуқуқий асослари янгиланишини, ҳарбий кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, профессионал тайёргарликнинг инновацион ёндашувлари ишлаб чиқилиши, миллий руҳни юксалтириш, ҳарбий хизматчиларни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш тизимини такомиллаштириш кабилар режалаштирилган.

Шунингдек, мудофаа саноати комплексини ривожлантириш, тараққий этган давлатлар билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни янада фаоллаштириш каби масалалар дастур лойиҳасидан ўрин олиши Ўзбекистоннинг мудофаа салоҳияти янада юксалишига хизмат қилади.

Сўзимнинг якунида газетангиз орқали Қуролли Кучларимизнинг барча вакилларини ва уларнинг оила аъзоларини, фахрийларимизни, мустақил Ўзбекистонимиз келажаги учун бефарқ бўлмаган барча инсонларни Ватан ҳимоячилари куни билан муборакбод этишга ижозат берасиз.

*— Самимий суҳбат учун раҳмат!*

**«Халқ сўзи» мухбирлари**
**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**Омонулла ФАЙЗИЕВ**
**суҳбатлашди.**



## ДУНЁ НИГОҲИ

### Мисрлик экспертлар:

## «ЎЗБЕКИСТОНДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ЯНГИЛАНИШЛАР ДУНЁ СИЁСИЙ МАНЗАРАСИГА ҲАМ ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА»

**Аҳмад ТАЙЙИБ,**
**Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари, Ал-Азҳар Уламолар кенгаши раиси:**



— Ўзбекистонга ташрифим чоғида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, мамлакатдаги кенг кўламли янгиланишларга гувоҳ бўлдим. Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқалар узоқ тарихга эга. Мамлакатларимизнинг ҳамкорлик муносабатлари бугун янги куч ҳамда ўзаро ишонч асосида жадал ривожланиб бораётганидан мамнунмиз.

Мовароуннаҳрнинг буюк аллома фарзандлари Имом Мотуридий, Ибн Сино ва бошқаларнинг бой маънавий мероси нафақат тарих учун, балки бугунги тараққий этган ҳаётимиз учун ҳам ғоят долзарб аҳамиятга эга. Биз бу бебаҳо мероснинг ал-Азҳар университети талабаларига ўргатилишига катта эътибор қаратамиз.

Бугунги кунда мусулмон дунёси экстремизм, мутаассиблик сингари зарарли таъсирлардан азият чекмоқда. Энг ачинарлиси, ёт ғоялар ёшларнинг онги ва дунёқарашига таъсир ўтказяпти. Биз Ал-Азҳар мажмуаси фаолиятида ушбу таҳдидларга қарши курашишга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Ўзбекистон халқи беназир алломаларнинг авлодлари сифатида бу каби иллатларга сабот билан қарши туришга қодир.

Ўзаро учрашувларимиз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифа очмоқда. Ўзбекистонлик талаба ва тадқиқотчиларнинг Ал-Азҳар университетида таҳсил олиши, мутахассисларнинг малака ошириши, ҳамкорликда конференциялар ташкил этишимиз бунинг яққол исботидир.

**Воҳид АБДУЛМАЖИД,**
**Ал-Аҳром стратегик ва сиёсий тадқиқотлар маркази раҳбари:**



— Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида муҳим геосиёсий аҳамиятга эга давлат ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатда рўй бераётган туб ўзгаришлар, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги янгиланишлар нафақат минтақа ҳаётига, балки дунё сиёсий манзарасига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатдаги стратегияси ўз самарасини беряпти.

Миср ва Ўзбекистон Президентларининг қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамияти билан тенг ҳуқуқли алоқаларни ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини юритишга бўлган кучли иродаси мамлакатларимизнинг эзгу мақсадлари муштарак эканлигини кўрсатади.

**Ийҳаб ҲАСАН,**
**"Mass-International" сайёҳлик фирмаси маслаҳатчиси:**



— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар мамлакатнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганини кўрсатади. Ўзбекистон ва Миср сайёҳлик соҳасида катта салоҳиятга эга. Айни вақтда биз Мисрдан Ўзбекистонга, Ўзбекистондан Мисрга сайёҳлар оқимини кўпайтириш устида иш олиб бормоқдамиз.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун кейинги пайтда жуда катта ташаббуслар қилинаётганидан хабардорман. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз чиқишларида доимо мамлакатнинг туристик жозибадорлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади.

Юртингиз 2019 йилда хорижлик сайёҳлар сонини 7 миллионга етказишни кўзлаган. Бу мақсадга эришиш осон иш эмас. Бироқ мавжуд имкониятлар ишга солинса, кўзланган марралар, албатта, қўлга киритилади.

Ўзбекистонда янги-янги меҳмонхоналар қурилаётганига гувоҳ бўлдим. Яратилаётган имкониятлар нафақат Мисрдан, балки бутун дунёдан, Европа ва бошқа минтақалардан сайёҳлар оқимининг ортишига хизмат қилади. Ўзбекистонда маданий ёдгорликлар жуда кўп. Бу диёр дунёга кўплаб забардаст уламолар, мутафаккирларни етиштириб бергани ҳамиша ёдимизда туради.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Сисининг Ўзбекистонга ташрифи икки давлат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқди.

**Абдураҳмон ХАМИСИЙ,**
**ёзувчи:**



— Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президентлигига сайланганидан кейин мамлакатда амалга оширилган хайрли ишларни алоҳида қайд этмоқчиман.

Ислоҳотлар, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилди. Ушбу ташаббуслар марказида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, уларни моддий рағбатлантириш мақсади турибди.

Ўзбекистонда ёшлар бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган йирик Давлат дастури мамлакатнинг алоҳида ижтимоий қатлами ҳаётидаги ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантиради.

Халқаро кузатувчи сифатида турли анжуманларда кўп марта иштирок этганман. Ҳар сафар Ўзбекистонга ташриф буюрсам, жуда катта таассуротлар билан қайтаман. Ўзбекистон халқи турли миллат ва элатлардан иборат бўлишига қарамай, аҳил-иноқ ҳаёт кечиради. Бирорта инсон бошқасидан унинг дини ёки эътиқоди ҳақида сўрамайди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси БМТнинг бош тамойилларидан бири бўлган турли миллат ҳамда дин вакиллари ўртасида айирмачиликка йўл қўймаслик тамойилига тўла мос келади.

Ўзбекистон тарихан Шарқ ва Ғарбни боғловчи муҳим ҳалқа вазифасини бажариб келган. Бу ҳудуд ислом динидан илгари ҳам буддавийлик, зардуштийлик каби динларга макон бўлган. Айниқса, Ислом тамаддуни бу ўлкада катта маънавий ҳосила берган. Ўзбекистон минглаб диний ва дунёвий илмлар билимдонлари, мутафаккирларни тарбиялаган илм минораси вазифасини бажарган. Бугунги кунда Ўзбекистон исломнинг асл қадриятларини ҳимоя қилувчи, турли дин ва эътиқод вакилларини бирдамликка чақирувчи мустаҳкам қўрғон сифатида намоён бўлмоқда.

Мен Ўзбекистонда мусулмонлар, христианлар, яҳудийлар ва бошқа дин вакиллари тинчлик ва осойишталикда яшаётганини ўз кўзим билан кўрганман.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

O'ZBEKINVEST
MILLIY SUG'URTA KOMPANIYASI

## Ҳурматли экспортчилар!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, «ЎЗБЕКИНВЕСТ» миллий суғурта компанияси экспорт операциялари ва кредитларини суғурталаш дастури бўйича қуйидаги суғурта хизматларини йўлга қўйди:**

- ***экспорт шартномаларини ва аккредитив бўйича банк мажбуриятини бажармаслигидан суғурталаш;***
- ***экспортолди молиялаштиришни суғурта қилиш;***
- ***«Харидорга кредит» схемаси бўйича экспорт операциялари ва кредитларини суғурталаш.***




ISO 9001:2015

**www.uzbekinvest.uz**

*Сизнинг манфаатларингиз ишончли ҳимоя остида!*

**Манзил:**
**Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй.**

**Телефонлар: 78-120-03-82 (Н. Шарипов), 78-120-03-59 (У. Мусалиева), 71-207-60-00 (Колл-центр-24/7).**

22R/28

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

## «Асака» банки

**қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги узоқ муддатли янги омонат турларини таклиф этади:**

### «МАНФААТЛИ»

***Омонат муддати 18 ойгача. Омонатга фоизлар қуйидагича ҳисобланади:***

*12 ой сақланса — **16** фоиз (йиллик);*
*13 ой сақланса — **17** фоиз (йиллик);*
*18 ой сақланса — **18** фоиз (йиллик).*

### «ИНВЕСТИЦИЯ»

**(АҚШ долларида)**

***Омонат муддати — 25 ойгача. Омонат фоизи — 5 фоиз (йиллик).***

*Ҳисобланган фоизларни омонатчи ўз истагига кўра, амалда сақланган муддат учун олиши мумкин.*

**«Асака» банки, шу билан биргаликда, миллий ва хорижий валюталарда 26 турдаги муддатли омонатни қулай шартларда таклиф қилади.**

*Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.*

**Мурожаат учун телефонлар: 78-120-82-37, 78-120-82-65, 78-120-82-98.**

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 78 | 120-83-13 | Наманган вилояти филиали | 69 | 227-15-68 |
| «Автотранспорт» филиали | 78 | 120-39-95 | Навоий вилояти филиали | 36 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 78 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 36 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 78 | 150-93-86 | Бухоро вилояти филиали | 65 | 770-05-19 |
| Сергели филиали | 71 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 65 | 770-11-27 |
| Тошкент вилояти филиали | 78 | 120-84-13 | Самарқанд вилояти филиали | 66 | 233-65-47 |
| Андижон вилояти филиали | 74 | 223-60-74 | «Афросиёб» филиали | 66 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 74 | 233-21-99 | Қашқадарё вилояти филиали | 75 | 221-07-41 |
| «Фарҳод» филиали | 74 | 226-96-63 | Сурхондарё вилояти филиали | 76 | 770-82-12 |
| Фарғона вилояти филиали | 73 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 61 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 73 | 237-62-23 | Хоразм вилояти филиали | 62 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 73 | 432-19-80 | Сирдарё вилояти филиали | 67 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 73 | 542-61-01 | Жиззах вилояти филиали | 72 | 226-43-11 |

**Барча омонатингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**
— декларация қилинмайди;
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
— эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
— миқдори чекланмаган.

**«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси ДХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасига тегишли, Тошкент шаҳрида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:**

**1.** 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 25 151 USB, «Зил-131 АРС-14» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 20 900 000 сўм.***

**2.** 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 196 USB, «Газ-3110» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 12 250 000 сўм.***

**3.** 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 184 USB, «Бж-2023» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 26 700 000 сўм.***

**4.** 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 040 USB, «Газ-3110» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 13 882 434 сўм.***

**5.** 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 50 105 USB, «Бж-2023» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 25 063 000 сўм.***

**6.** 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «УАЗ-3962» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 12 443 000 сўм.***

**7.** 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/042 USB, «Nexia» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 28 735 000 сўм.***

**8.** 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/045 USB, «Tico» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 12 735 000 сўм.***

**9.** 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Газ-33081» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 22 618 248 сўм.***

**10.** 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Газ-33081» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 22 618 248 сўм.***

**11.** 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Газ-33081» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 22 618 248 сўм.***

**12.** 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Зил-131» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 33 071 373 сўм.***

**13.** 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Зил-131» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 24 889 364 сўм.***

**14.** 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Зил-131» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 33 071 373 сўм.***

**15.** 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Зил-131» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 33 071 373 сўм.***

**16.** 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Зил-131» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 33 071 373 сўм.***

**17.** 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Зил-131» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 33 071 373 сўм.***

**18.** 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Зил-131» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 33 071 373 сўм.***

**19.** 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Зил-130» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 19 464 579 сўм.***

**20.** 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Газ-4301АЦ» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 19 051 642 сўм.***

**21.** 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Каз-3511» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 12 171 301 сўм.***

**22.** 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «УАЗ-3962» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 9 208 929 сўм.***

*Жиззах вилояти, Бахмал туманида сақланаётган:*

**23.** 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 25/139 USB, «Ваз-2123» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 23 756 000 сўм.***

*Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида сақланаётган:*

**24.** 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 20/020 USB, «Ваз-2123» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 22 436 000 сўм.***

**25.** 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 20/090 USB, «Ваз-2123» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 23 090 000 сўм.***

*Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳрида сақланаётган:*

**26.** 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/017 USB, «Ваз-2123» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 27 138 213 сўм.***

**27.** 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/050 USB, «Ваз-2123» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 25 081 008 сўм.***

*Бухоро вилояти, Бухоро шаҳрида сақланаётган:*

**28.** 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/022 USB, «Ваз-2123» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 38 200 000 сўм.***

**29.** 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/040 USB, «Ваз-2123» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 28 700 000 сўм.***

*Тошкент вилояти, Бекобод шаҳрида сақланаётган:*

**30.** 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 191 USB, «Ваз 2123» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 23 428 000 сўм.***

*Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳрида сақланаётган:*

**31.** 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 382 USB, «Зил- 432732» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 8 497 775 сўм.***

*Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида сақланаётган:*

**32.** 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 032 USB, «Бж-2023» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 32 826 000 сўм.***

*Тошкент вилояти, Зангиота туманида сақланаётган:*

**33.** 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/116 USB, «Бж-2023» русумли.
- ***Бошланғич баҳоси — 32 826 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2019 йил 22 январь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2019 йил 18 январь куни соат 18.00.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2019 йил 22 январь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 29 январь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

2019 йил 29 январдаги такрорий савдоларга аризалар қабул қилишнинг охирги муддати — 2019 йилнинг 25 январь куни соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ «Олмазор» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

*Гувоҳнома № 001805.*

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: 71-228-79-52.**

31J/15

## «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

«Agrosanoat mulk markazi» МЧЖда 2019 йил 11 февраль куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказига тегишли қуйидаги автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига асосан қўйилмоқда:

1. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/570GAA «Nexia sons» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич нархи — 18 990 850 сўм.***

Автотранспорт воситаси олди-сотди шартномаси асосида сотилади. Олди-сотди шартномаси аукцион савдоси натижалари имзоланган санадан бошлаб 5 кун мобайнида тузилиши шарт. Олди-сотди шартномаси бўйича тўлов шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун мобайнида 100 фоиз тўланиши зарур. Автотранспорт воситаси Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 42-«А» уйда сақланмоқда. Савдога қўйилган мулк билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойида танишиш мумкин.

Ҳурматли талабгорлар! Юқорида қайд этилган автотранспорт воситаси ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2019 йил 26 февраль куни соат 12.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳафтанинг иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдога бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоиз дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Тел.: 71-250-95-96.**

Гувоҳнома: 006388.

35J/75

## «FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ

**боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ҳамда камхаражатли мотокультиваторларни ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади.**

***«TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6, 9 ва 13 от кучига эга. Дизель ҳамда бензин ёнилғисида ишлайди.***



Маҳсулотлар сертификатланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй.**
**Мўлжал: Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси.**
**Маълумот учун телефонлар: 90-986-80-68, 90-968-56-77, 90-989-09-62, 71-234-35-71.**

**www.motoblok.uz**

30R/22

Халқ сўзи
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 529 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
***Девонхона 71-233-52-55;***
***Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.***

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**

**Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.**

**Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.**
**Навбатчи — Р. Шерқулов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.10 Топширилди — 01.10** 1 2 3 4 5 6